

Рамазоним келмоқда!



16:02 / 27.02.2025 1739

Мағфират ва жаннат эшиклари очилган, шайтони лаъин кишанланган муборак ой – Рамазон эшик қоқмоқда. Сизу биз бу эшикни очишга ҳозирмизми?!

Рамазон — алоҳида хусусиятларга эга ойдир:

1. Рамазон Пайғамбаримиз алайҳиссаломга Аллоҳ таолодан биринчи ваҳий келган ойдир. Бу воқеа 610 йили Рамазон ойида содир бўлган. Рамазон – бу Қуръони Карим ойи.
2. Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «Яхши амаллар натижасида одам шу ойда Аллоҳ таолога яқинлашса, бу бошқа ойда фарзини адо этганга тенгдир. Рамазон ойида фарзни адо этганга эса бошқа ойда қилинган фарзга нисбатан етмиш фарз мукофотини олади. Бу ой сабр ойи, унинг мукофоти эса – жаннатдир».
3. «Бу ойнинг биринчи ўн кунлиги – Аллоҳ таолонинг марҳамати, иккинчиси, кечирими, учинчиси, дўзахдан қутқариши. Рамазонда қулни озод этганни Аллоҳ таоло дўзахдан озод этади, ифторда рўзадорга сув берганни Аллоҳ таоло қиёмат куни Кавсар сувидан ичиртиради ва у жаннат эшигига киргунича чанқамайди».
4. Рамазонда шайтонлар занжирбанд этилади ва бошқа пайт каби ёмонлик қилолмайдилар.

5. Рўза тутиш Ислом устунларидан бири. Рамазон ойида рўза тутишни Аллоҳ таоло фарз қилиб берган. Рўзадаги афзалликларнинг саноғига етиб бўлмайди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганлар: «Бу ойда ҳар бир киши очлик нималигини бошидан ўтказди ва бева-бечораларга раҳм-шафқатли бўладилар. Бу ойда иймонли бандаларнинг ризқи кенгаяди.

Рўзадорни таомлантирган гуноҳларидан фориғ бўлиб, дўзахдан озод этилади. У рўзадор билан тенг мукофотланади. Бунда рўзадорнинг мукофоти ҳам камаймайди».

6. Таровеҳ намози – Рамазон ойида хуфтон намозидан кейин ўқиладиган суннат намозидир. Рўзанинг биринчи тунидан бошлаб ўқилади ва охириги тунда тугатилади. Таровеҳ намозини жамоа билан масжидда ўқиш афзалдир.

7. Фитр садақаси – Рамазон ойининг охирида бериладиган фарз садақадир. Фитр садақасини йдул Рамазонгача беришга ҳаракат қилиш керак.

8. Бу ойда шундай бир тун борки, у минг ойдан ҳам устундир. Бу тун қадр кечасидир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Албатта, Биз У (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик. Қадр кечаси не эканини сенга нима билдирди? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.» (*Қадр сураси, 1–3-оятлар*).

Лайлатул қадр – Қадр кечаси Рамазоннинг учинчи ўн кунлигига тўғри келишини кўпчилик уламолар таъкидлашган.

Рамазон ойининг ҳар кунида қабул бўладиган бир дуо бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Албатта, Рамазоннинг ҳар кунида барча мусулмонлар учун қабул бўладиган бир дуо бор».

Имом Аҳмад, Баззор ва бошқалар ривояти.

Агар бу дуо рўза пайтида, айниқса, ифтор вақтида қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу зикр қилинганлар Рамазон ойининг барча фазилатларини тўла қамраб ололмайди, балки мазкур фазилатлар олдида дарёдан айрим томчилар холос. Йўқса, унинг фазилату хусусиятларини санаб адоғига етказиш мушкулдир.

Аллоҳ таоло бу муборак ойни раҳмат ва мағфират ойи, дўзахдан нажот бериладиган ой, дуолар ижобат қилинадиган моҳи Рамазон ойини барчамизга хайрли ва баракотли қилсин! Уни тақво неъматига

эришишимиз учун васила қилсин!

Хуршид Маъруф тайёрлади